ҚИРҒИЗИСТОННИНГ БАТКЕН ВА ТОЖИКИСТОННИНГ СЎҒД ВИЛОЯТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ БОШЧИЛИГИДАГИ ДЕЛЕГАЦИЯЛАР 22 АПРЕЛДА ФАРҒОНАГА КЕЛАДИ

Жорий йилнинг 22 апрель куни Қирғизистоннинг Баткен вилояти губернатори Омурбек Суваналиев ҳамда Тожикистоннинг Сўғд вилояти раиси Ражаббой Аҳмадзода бошчилигидаги икки қўшни давлат вилоятлари расмийлари ва ишбилармонларидан иборат делегациялар Фарғона вилоятига ташриф буюради.

23 апрель куни Фарғона, Баткен ва Сўғд вилоятлари ишбилармонлари ўртасида “Чегараолди ҳудудлар интеграциялашуви – ривожланиш гарови” мавзусидаги халқаро бизнес-форум бўлиб ўтади. Бизнес-форум доирасида Саноат ва Қишлоқ хўжалиги соҳаларида ҳамкорлик бўйича бўйича икки пленар йиғилиш ҳамда B2B ва G2B учрашувлар ўтказилади.

Ташриф дастури доирасида уч чегарадош вилоят раҳбарларининг учрашуви ҳам кўзда тутилган.

Қирғизистон ва Тожикистон вакиллари Фарғона вилоятида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўргазмасини бориб кўриши, вилоятдаги йирик саноат ва қишлоқ хўжалиги мажмуалари фаолияти билан танишиши режалаштирилган.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,
2021-04-14 09:13:24